



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Temirova Parvina
Nurmatova Maftuna

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг кенг камровли тизимлари мавжуд бўлиб, буларга пенсиялар (ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик), жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, нафақалар, ижтимоий хизматлар ва моддий ёрдамлар киритилади. Янги Ўзбекистон шароитларига мос келувчи ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва ижтимоий муносабатлар тизимини яратиш бугунги куннинг ўта муҳим масаласидир. Шунинг учун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминот тизимини комплекс тарзда бошқариш имконини берувчи тизимли ёндашув зарур ҳамда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан ўрганиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "...Биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз. Ана шу муаммолар ичига чуқур кириб бориш зарур"¹. Энг аввало бу муаммолар замирида ҳар бир оиланинг, ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳимояси, ижтимоий таъминоти ётади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида ижтимоий таъминот инсоннинг асосий ижтимоий ҳуқуқи сифатида белгиланган. Унда "Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас."² Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот тизимининг асосий мақсадлари қонун ҳужжатларида, Президент фармон ва фармойишларида белгилаб берилган. Лекин Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот тизимига асосий устувор масала сифатида қаратилаётганлигига қарамай, ҳозирги вақтда мамлакатизимда ижтимоий ҳимоянинг расман қабул қилинган модели ҳам, махсус институти ҳам мавжуд эмас.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"

Ижтимоий таъминот турли институтлар томонидан амалга оширилади. Масалан, ёшга доир пенсиялар, ногиронлик пенсиялари, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари Молия Вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан; ишсизлик нафақаси бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаларидан; ногиронлик нафақалари, боқувчисини йўқотганлик учун бериладиган нафақалар давлат бюджети маблағларидан тайинланади ва тўланади. Бундан ташқари, коронавирус пандемияси шароитида, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, аҳолининг барча қатламларини манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг миллий тизимини такомиллаштириш мақсадида ижтимоий ҳимоянинг янги кўринишлари жорий қилинди. Буларга “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” киради. Темир дафтардаги фуқаролар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, Ёшлар дафтарига киритилган ёшларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш “Ёшлар дафтарига” киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Юқорида амалга оширилаётган ижтимоий таъминот турлари алоҳида қонун ҳужжатлари орқали амалга оширилса-да, лекин барча ижтимоий таъминот институтларининг асосий мақсади - аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Аҳоли ижтимоий таъминотини амалга оширишда турли моделлар мавжуд бўлиб, улар У.Беверидж модели (Буюк Британия, Австрия, Канада, Шимолий Европа давлатлари); Шахсий (жамоа) суғурта модели (АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатлари, Португалия); О.Бисмарк модели (Швеция, Германия, Австралия, Франция)дан иборат.

У.Беверидж моделининг асосий тамойили бу - ижтимоий таъминот асосан давлат томонидан амалга оширилади.

Шахсий (жамоа) суғурта моделининг асосий тамойили бу - шахсий суғурта тизимини тижоратлаштириш, ягона умумдавлат ижтимоий суғурта тизимининг йўқлиги.

О.Бисмарк модели бу - ходимлар ва иш берувчилар томонидан ўндириладиган мажбурий суғурта бадаллари³.

Бизнинг мамлакатимизда юқоридаги ижтимоий моделларнинг деярли уччаласи ҳам амал қилади. Беверидж моделига мисол қилиб давлат бюджетидан амалга оширилаётган нафақа турларини, Шахсий суғурта моделига - жамғариб бориладиган пенсия жамғармасини, Бисмарк моделига - иш стажига эга бўлган фуқароларга нафақалар ва пенсиялар тўлаш тизимини келтириш мумкин.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ижтимоий таъминот тизими – кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга, иш стажига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатсиз ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун моддий таъминотчи бўлиб хизмат қилиши ҳамда барча нафақахўрлар учун моддий таъминотнинг барқарор механизмини яратиш зарур.